

O'zbekiston Respublikasi

Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi

Alisher Navoiy nomli

Samarqand davlat universiteti

Huquqshunoslik fakulteti

G'ulomov Akmaljon Shukurillayevich

R E F E R A T

Mavzu: - Юридик шахслар моҳияти

SAMARQAND – 2013

1. Юридик шахсларнинг асосий тузилиш ва тизими.

Турли тарихий босқичларда олимлар юридик шахсларнинг моҳиятини турлича талқин қиладилар. Қонунчилик юридик шахсларнинг хусусиятлари, турлари ва ҳуқуқ лаёқатини, уларни тузишва тугатиш тартиби масалаларини ўзида мустаҳкамлайди. Бироқ юридик адабиётларда юридик шахсларнинг моҳиятини ёритиб берувчи яқдил фикр мавжуд эмас. Бироқ юридик шахс моҳиятини ёритиш мақсадида бир қатор таълимотлар юзага келди. Ана шулардан бири **Фикция концепциясидир**(Бу қонунчилик томонидан ўйлаб топилган, сунъий конструкция). Унга кўра юридик шахс тушунчасини инсон тушунчаси билан таққослаш орқали, унинг ҳуқуқ лаёқатини манфаатпарастлик мақсадларига йўналтирилганлигини тушунтирадилар. Ушбу таълимот инсонларнинг манфаатларини бирлаштирувчи юридик шахсни вужудга келтиради¹. Фикция концепциясининг тараққий этиши натижасида «манфаат назарияси» вужудга келди. Унга кўра, юридик шахснинг орқасида унинг мавжуд бўлишидан манфаатдор шахслар, яъни фойда олувчилар туради. Улар дестинаторлар, деб юритилади. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам юридик шахсларнинг моҳияти (давлат органлари) ҳамда давлат корхоналари (хўжалик органлари) ҳақида қарашлар ишлаб чиқилган. Жумладан, давлат органлари, бир томондан қонунлар билан тартибга солиб турувчи органларга, яъни алоҳида хўжалик бўғинлари ва ҳуқуқий бирликларга эга бўлади. Давлат ўз иродасини инсонларнинг бирлашмаларидан ташкил топган тузилма орқали ифодалайди (тузилма сифатида юридик шахслар тушунилади). Иккинчи томондан, оператив корхоналар, улар ўртасидаги муносабатлар товар – пул характерига эга бўлади. Натижада юридик шахслар маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўладилар. Ҳар қандай давлат юридик шахсларга фойдаланиш учун берилган мулкнинг мулкдорини – давлат деб билиш лозимлигини

¹Thering R. Geist des römischen Rechts. Bd. II. Leipzig. 1865.

таъкидлайди. Ушбу таълимот фанда **Давлат концепцияси**² деб юритилиб, бунда давлат ўз фаолиятининг маълум бир қисмини ривожлантириш учун хўжаликка ажратилган мол-мулкдан фойдаланишни белгиланган ходимлар жамоаси ёрдамида амалга оширади. «**Директор концепцияси**» ҳар қандай давлат органининг орқасида яққа ва ёлғиз мулкдор сифатида давлатнинг ўзи туради. Шунингдек, давлат ўзи ташкил этган органга мулк беради ва масъулият юклатилган раҳбарини – директорни тайинлайди. Директор ўзи раҳбарлик қилаётган органининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иродасини ифодалайди³. «**Меҳнат коллективи концепцияси**», унинг асосчиси А.В.Венедиктов ҳисобланади. Унга кўра, ҳар бир давлат органларига тегишли мол-мулкнинг мулкдори давлат ҳисобланиди. Давлат жавобгарлик юклатилган коллектив (уларнинг ишчи ва хизматчилари) орқали юридик шахс моҳиятини ифодалайди. Юридик шахс қонун ҳужжатлари, устав, маъмурий актлар орқали белгиланган вазифаларни амалга оширади. Маълум ҳуқуқларга, алоҳида мол-мулкка эга бўлади ҳамда фуқаролик муносабатларида ҳуқуқ ва мажбуриятларда мустақил, ўз номидан иштирок этади⁴. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, деярли унинг охиригача коллектив назария фуқаролик ҳуқуқи соҳасида етакчи ўрин эгаллаб келди. 1960 йилларда янги Фуқаролик кодекси устида иш олиб борилган даврда коллектив назарияга алоҳида эътибор берилди. Гражданлик кодексига «оператив бошқариш ҳуқуқи» тушунчаси киритилди⁵. Ушбу тушунча амалдаги Фуқаролик кодексида ҳам сақлаб қолинди (ФКнинг 165,178,181-моддалари). **Ижтимоий воқелик назариясида**, юридик шахслар ижтимоий турмуш эҳтиёжларини қондириш воситаси сифатида қаралади. Фуқаролар турли иттифоқларга бирлашишга интиладилар ёки қандайдир мақсад йўлида муассасалар тузадилар. Бироқ улар оммавий ҳокимият томонидан эътироф қилинганда ҳуқуқий мазмун касб этади. О.Р.Красавчиков

² Аскназий С.И. основные вопросы теории социалистического гражданского права: автореф. Дисс. д-ра. юрид. наук. Вестник Ленинградского университета, 1947, №12. 98-99-б.

³ Толстой Ю.К. Содержание и гражданско-правовая защита права собственности в СССР. Л., 1955. 88-89-б.

⁴ Венедиктов А.В. Государственная социалистическая собственность. М.: Л., 1948. 657-665-б.

⁵ Раҳмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Т.: Ўзбекистон. 2008. 63-б.

юридик шахсларни ижтимоий – тарихий ривожланишнинг натижаси ва ўзига хос белгилар жамланмасига эга бўлган **«ижтимоий организм»** ташкилот, деб баҳолайди. Унинг моҳияти шундаки, унда инсонлар, уларнинг гуруҳлари мақсадга эришиш учун ўзаро алоқалар ва муносабатларда бўладилар. Бу таълимот **ижтимоий алоқалар концепцияси**, деб юритилади⁶. Е.А.Суханов, юридик шахсларни мустақил тижорат фаолияти учун унинг муассислари томонидан ажратилган мол-мулк сифатида гавдалантиради⁷. Н.В.Козловнинг фикрига кўра, ҳар қанақа шахслар бирлашмаси, меҳнат коллективи ёки мол-мулк ўз-ўзича фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланмайди. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари фақат инсонлар ёки ижтимоий тузилмалар бўлиши мумкин. Қачонки улар объектив ҳуқуқ томонидан ҳуқуқ субъективлигини олган бўлсалар. Юридик шахслар ҳуқуқнинг сунъий субъектидир⁸. Улар маълум мақсадларда бошқа субъектлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил қилинади. Ўзининг табиатидан келиб чиқиб ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Х.Раҳмонқуловнинг фикрига кўра, ҳозирги даврда шаклланган фан нуқтаи назаридан қараганда, юридик шахс тушунчаси турлича ифодаланиши, яъни уни сунъий ҳуқуқ субъекти ёки табиати жиҳатдан мажмуавий характерда бўлган мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ҳамда бурчларга эга бўлган, муайян мақсадга эришишга қаратилган ва аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш учун қонунга мувофиқ ташкил қилинган, ижтимоий мавқега эга бўлган ҳуқуқ субъекти деб қараш мумкин.⁹ Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, юридик шахс моҳиятини ёритиб бериш мақсадида ишлаб чиқилган таълимотларнинг барчаси юридик шахс тушунчаси ҳақида яқдил қарорга, фикрга кела олмаганлар. Чунки бу таълимотлар ижтимоий турмушнинг турли босқичларида вужудга келган. Ҳар бир концепция ўша давр муҳитидан келиб чиқиб шакллантирилган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида юридик шахслар ривожланаётганлигини таъкидлаш

⁶ Красавчиков О.Р. Сущность юридического лица.// сов. государство и право. 1976. №1. 47-49,51-52-б.

⁷ Суханов Е.А. Система юридических лиц. // сов. государство и право.1991.№11. 44-б.

⁸ Козлов Н.В. Правосубъективность юридического лица. М., 2005. 3-4-б.

⁹ Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. Т. 66-б.

ўринлидир. Ишлаб чиқиладиган таълимотлар ҳам, бизнингча, ана шу ривожланиш маҳсулидир.

2. Юридик шахслар тушунчаси.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-моддаси 1-қисмида юридик шахс тушунчаси ёритиб берилган. Жумладан, ўз мулкида, хўжалик юрисишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулки ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахсининг ҳуқуқӣ мақомига ФК 4-боби қоидалари бағишланган. Шунингдек, уларнинг алоҳида турларини тартибга солувчи қонунлар қабул қилинган. Жумладан, 1) хўжалик ширкатлари; 2) масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар; 3) акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; 4) сиёсий партиялар; 5) фермер хўжалиги; 6) нодавлат нотижорат ташкилотлари; 7) хусусий корхона; 8) банкротлик тўғрисидаги ва бошқа қонунларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Фуқаролик кодексининг 39-моддасидаги юридик шахс тушунчасини очиқ берган қоидадан келиб чиқиб, унга тегишли бўлган тўртта асосий белгини таъкидлаш керак.

1) Ташкилий бирлик. Агар юридик шахс ўзида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг бирлаштирадиган бўлса, бу юридик шахс тузилганлигининг хусусияти ва белгиси сифатида намоён бўлади. Жумладан, хўжалик ширкатлари, кооперативлар, жамоат ва диний ташкилотлар айнан шундай ҳисобланади. Улардан бири ташкилотни ўз номидан тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун, бошқалари биргаликда ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолиятини ташкил этиш учун ёки моддий ва бошқа эҳтиёжларни қаноатлантиришни, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қаноатлантиришни ташкил этиш мақсадида тузишни мўлжаллайди.

Ташкилий бирликни, энг аввало, юридик шахснинг ички тузилиши (қурилиши) нуқтаи назаридан тушуниш керак. У бир бутун ҳолда ва мустақил равишда фаолият кўрсатувчи, ўзини тартибга солиб турувчи механизмга эга бўлиши, яъни алоҳида ички тузилишга, унинг иродасини ифодаловчи ва шакллантирувчи бошқарув органларига эга эканлиги билан изоҳланади. Ҳ.Раҳмонқулов фикрича ташкилий бирлик деганда, муайян ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш учун ташкил этилган, ўзининг ички тузилмаларидан, яъни бошқарув органлари ва бўлинмаларидан иборат бўлган бирлашган яхлит ташкилотни тушунамиз¹⁰. О.А.Красавчиковнинг таъкидлашича, ички ташкилий бирлик бу ташкилотнинг барча бўлимлари ўртасидаги ўзаро алоқалар тизими ва уларнинг раҳбариятга бўйсунлигини юридик шахсни «ижтимоий сумма (тўплам)»нинг элементи сифатида эмас, бус-бутун ташкилот сифатида талқин этади. Расмий нуқтаи назардан юридик шахснинг ташкилий бирлиги унинг таъсис ҳужжатларида тавсифланади.

Шундай қилиб, қонун томонидан ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Бу ёки у ташкилотни қонун томонидан эътироф этиш учун:

а) ташкилот қонунчиликда назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шакллардан бирига ва бу шаклга қўйилган барча талабларга мос келиши керак;

б) ташкилот давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади.

¹⁰ Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. Т. 66-б.

Қонунчилик томонидан тан олинмаган юридик шахслар (манфаатдор шахслар томонидан ўйлаб топилган), юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтмайдилар.¹¹

Ҳуқуқ субъекти сифатида юридик шахслар фуқаролик муносабатларида ўз номидан мустақил иштирок этадилар. Яъни мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлаб, зиммасига мажбурият олади, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Фуқаролик муомаласи ва процессуал муносабатларда юридик шахсларнинг мустақил иштирок этишини таъминлаб берувчи имкониятлар, энг аввало:

- бу унинг жойлашган ери;
- номива бошқа индивидуаллаштириш воситалари;
- унинг органлари, иштирокчилари, ишчиларидир.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади (ФК 46-модда, 3-қисм). Шу маънода ФК 46-моддасига «Юридик шахснинг доимий фаолият кўрсатадиган ижро органини жойлашган жой ёки юридик шахс ишончномасиз унинг номидан фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс жойлашган ер юридик шахснинг жойлашган ери ҳисобланади», деган қоида кириштириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган **номига эга бўлиши** керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, тижоратчи ташкилотларнинг номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиш керак. Масалан: акционерлик жамияти, ижтимоий фондлар.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) кириштиришга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат

¹¹ Гражданское право. Учебник.: в 3 т. Т.1. – М.:РГ-Пресс. 2011. 193-б.

рамзлари элементларини қўйишга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади (ФК 46-модда, 2-қисм).

Қонунчиликда алоҳида талаблар фирма номига қўйилган. Тижоратчи бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши керак. Тижоратчи ташкилотларда фирма номининг бўлиши **икки принципиал ҳолат** билан боғлиқ:

а) бу ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида аниқлаштирилишининг зарурлиги. Бу давлат рўйхатидан ўтиши ва ягона давлат реестрига киритилишдир.

б) тижоратчи ташкилот фирма номининг ягона давлат реестрига киритилиши бу номга нисбатан мутлақ ҳуқуқнинг вужудга келиш пайти аниқлаштирилади. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эгадир. У ўзининг фирма номини рекламалар, ёзишма ва бланкаларда, муомала ва бошқаларда қўллайди.

Юридик шахслар фирма билан бирга бошқа индивидуаллаштириш воситаларига ҳам эгадир. Жумладан, товар белгилар, хизмат кўрсатиш белгилари, ноу-хау ва бошқалар.

Юридик шахслар мустақил фаолият юритишлари учун **алоҳида мол-мулкка эга бўлишлари** керак. Юридик шахсларнинг мол-мулки фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ёки унинг муассисларининг мол-мулкидан ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан фарқ қилади. Юридик шахснинг ўз мол-мулкига нисбатан ҳуқуқлари турлича бўлиши мумкин. Айрим юридик шахслар ўз мулкларига нисбатан мулк ҳуқуқига (фермер хўжалиги, акционерлик жамияти), баъзилари хўжалик юритиш ҳуқуқига (унитар корхона), айримлари эса оператив бошқариш (давлат корхоналари ва муассасалар) ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқига эга бўлиши бозор иқтисодиёти талаблари ва шартларига тўла мос келади.

Мамлакатда хусусий мулкнинг эътироф этилиши иқтисодиётда мулкдорлар синфининг шаклланишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида

турли хил шакллардаги янги-янги тузилмалар вужудга келди ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Юридик шахслармол-мулкининг алоҳида бўлиши уларга нисбатан нафақат мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи балки бошқа мулкӣ ҳуқуқларни ҳам вужудга келтириш мумкин. Жумладан, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи (ашёвий ҳуқуқ), мажбурият ҳуқуқи асосида талаб қилиш ҳуқуқи (банк ҳисобидаги пул маблағлари, мутлақ ҳуқуқларга, интеллектуал фаолият натижалари)га эга бўлиши мумкин.

Юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ўзларига тегишли мол-мулк билан иштирок эта оладилар. Юридик шахсларнинг умумий қоида сифатида мол-мулкка эга бўлмаслиги, уларни рўйхатдан ўтказишга ҳамда юридик шахс деб эътироф этишга тўсқинлик қилади.

ФКнинг 39-моддаси 2-қисмига кўра юридик шахслар мустақил баланс ва сметага эга бўлиши керак. Демак, юридик шахсга тегишли бўлган мол-мулклар унинг баланс¹²и ёки смета¹³сида ўз аксини топади. Юридик шахс томонидан ташкил этилган алоҳида ажратилган бўлимлар: ваколатхона, филиаллар, цехлар, бригадалар, бўлинмалар ихтиёрига топширилган мол-мулклар уни ташкил этган юридик шахс балансида бўлади. Чунки улар маълум бир аниқ вазифаларни бажариш мақсадида берилади. Масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган «Машҳура» фирмасининг Самарқанд шаҳрида жойлашган филиалининг тасарруфидаги мол-мулклар ҳуқуқий нуқтаи назардан юридик шахснинг балансида туради. Муҳим белгиси сифатида юридик шахс мол-мулкнинг бўлиши юридик шахснинг ичида юридик шахсларнинг ташкил этилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун юридик

¹²Баланс - французча *balance* – тарози, латинча *bilanx* – тарозининг икки палласи дегани. Доимо ўзгаришда бўлувчи кирим-чиқим, даромад-буромаднинг ўзаро нисбати ёки мувозанатини ифода этувчи кўрсаткичлар тизими// Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2006. 147-бет.

¹³Смета – олдиндан тузилган кирим-чиқим ҳисоботи ва шундай ҳисоботлар ёзилган ҳужжат. // Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2007. 536-бет.

шахс ҳар қандай бўлинмалари, ваколатхона ва филиаллари юридик шахс ҳисобланмайди.

Юридик шахснинг мол-мулкка эга бўлишининг асосий хусусиятларидан бири ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради (ФК 48-модда, 1-қисм). Ҳ.Раҳмонкуловнинг таъкидлашича, юридик шахснинг алоҳида мол-мулкка эга бўлиши билан боғлиқ мантиқ шундан иборатки, вужудга келиши мумкин бўлган етказилган зарарни ундириш бўйича унинг кредиторлари ўз талабларини юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари)нинг шахсий мол-мулкига эмас, балки унинг мол-мулкига нисбатан қўзғатади.¹⁴ Баъзан қонунчиликда истиснолар кузатилади. Жумладан, ФК 72-моддасининг 5-қисмига мувофиқ давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидар жавобгар бўлади.

¹⁴Раҳмонкулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. Т. 66-б.

3. Юридик шахсларнинг классификацияси.

Юридик шахсларни иккита муҳим белгисига кўра классификация қилиш мумкин:

Биринчи муҳим мезон сифатида юридик шахснинг муассисларида юридик шахс билан бўлаётган муносабатларда улар мулкӣ ҳуқуқларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги. Шундан келиб чиқиб, барча юридик шахслар икки гуруҳга ажралади: а) юридик шахс мол-мулкани ташкил этишда иштирок этиш билан унинг муассислари ўзлари қўшган мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқӣ алоқаларини сақлаб қолади. Бунда сақлаб қолинган мулкӣ ҳуқуқлар икки кўринишда бўлади: юридик шахснинг ўзи билан мажбурият ҳуқуқӣ муносабатларида (Масалан: хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари аъзолари билан юридик шахс ўртасидаги муносабатлар); ашёвий ҳуқуқӣ муносабатларда (давлат унитар корхонаси, мулкдор томонидан молиявий таъминланадиган корхоналар). Бу белгиларидан келиб чиқиб ўз мулкига нисбатан юридик шахсларни мулкдор бўлган ва мулкдор бўлмаган юридик шахслар¹⁵га бўлиши мумкин;

б) юридик шахсни ташкил этган муассисларнинг унинг мол-мулкига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларни батамом йўқотадилар. Бунда юридик шахс ўз мулканинг мулкдори сифатида намоён бўлади. Масалан: жамоат бирлашмалари (ижтимоий фондлар, юридик шахсларнинг бирлашмалари).

Юқоридагилардан келиб чиқиб, барча юридик шахсларни ўз мулкига нисбатан «мулкдор бўлган» ва «мулкдор бўлмаган» юридик шахсларга ажратиш мумкин.

Маълумки, юридик шахснинг мулкани ташкил этган, унинг муассисларининг юридик шахслар билан бўладиган мажбуриятга оид, ашёвий ва бошқа муносабатлари ФКда аниқ белгилаб қўйилмаган. Шунинг учун 39-модданинг давоми сифатида ана шу муносабатлар мазмуни яққол

¹⁵Гражданское право. Учебник. В 3 том. Т.1. –М.: РГ – Пресс. 2011. 197-198-б.

баён этилиши лозим. Бу қонун нормаларини амалиётда тўғри қўллашда ёрдам беради. Бу жараён бошқа давлат қонунчилигида, жумладан Россия Федерациясининг ФК 48-моддаси 2-3-қисмларида аниқ кўрсатилган. Яна бир мезон сифатида юридик шахс фаолиятининг асосий мақсадидан келиб чиқиб, уларни классификация қилиш мумкин. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган – тижоратчи ташкилотлар ёки фойда олишини ана шундай мақсад қилиб олмаган – тижоратчи бўлмаган юридик шахс бўлиши мумкин (ФК 40-модда, 1-қисм).

Юридик шахсларни бу шаклда классификация қилиш бевосита тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Чунки тадбиркорлик фаолияти фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш предметиға киради ва фуқаролик қонунчилиги орқали мустаҳкамланган.

Юридик шахсни бу тарзда классификация қилиш – юридик шахслар фаолиятининг асосий мақсади сифатида фақат фойда олишга интилиши тушунилади. Шундан келиб чиқиб, нотижорат ташкилотлар ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Фақат қуйидаги талаблардан четга чиқмаслиги керак: а) фойда олишга интилиш ташкилотнинг асосий мақсадига айланмаслиги керак. У ўз мақсади йўлидан оғишмаслиги ҳамда ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари керак;

б) олинган фойда нотижорат ташкилотлар муассислари ўртасида тақсимланмаслиги лозим;

в) тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри таъқиқланган бўлмаслиги керак.

Фуқаролик қонунчилиги юридик шахсларни ташкилий-ҳуқуқий шакллариға кўра классификация қилади. Уларға хўжалик жамиятларива ширкатлари, кооперативлар, унитар корхоналар, нотижорат ташкилотларни киритиш мумкин.

Юридик шахс сифатида тижоратчи ташкилотлар қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин:

- тўлиқ ва коммандит ширкат (60-61-моддалар);
- масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият (62-63-моддалар);
- акциядорлик жамияти (64-66-моддалар);
- ишлаб чиқариш кооперативлари (69-модда);
- унитар корхона (70-72-моддалар).

ФКнинг тегишли моддаларида белгилаб қўйилган тижоратчи ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолати бошқа **махсус қонунлар** билан ҳам тартибга солинган.

Юқорида санаб ўтилган тижоратчи ташкилотлар ўзларининг ичида ҳам бир қатор хусусиятларга кўра бўлинишга эга. Масалан, акциядорлик жамияти акцияларини жойлаштириш ва тақсимлаш тартибига кўра очик ва ёпик кўринишда бўлиши мумкин, унитар корхоналар мулкӣ-ҳуқуқӣ ҳолатидан келиб чиқиб, улар хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқига асосланиши мумкин. Айрим тижоратчи юридик шахслар умумий белгиларига кўра ҳам гуруҳларга ажралиши мумкин. Масалан: шўъба хўжалик жамияти, қарам хўжалик жамияти.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар матлубот кооперативи (73-модда); жамоат бирлашмалари (74-модда); ижтимоий фондлар (75-модда); муассасалар (76-модда); юридик шахслар бирлашмалари (77-модда); фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (78-модда) ва бошқа шаклларда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи ва нотижоратчи ташкилотлар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкӣ манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин. Шунини алоҳида назардан тутиш лозимки, агар иштирокчилар қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ФКда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига

айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиш ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Хулоса қилганда, уюшма нотижорат ташкилот саналади. Унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилса, уюшманинг мақсади ўзгаради, яъни у фойда олишни кўзлайди. Бу ҳолат табиий равишда унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгаришига олиб келади. Яъни у тижоратчи ташкилот сифатида маълум шаклга ўзгаради.

4. Чет эл давлатларида фуқаролик ҳуқуқининг асосий институти сифатида юридик шахслар.

Роман-герман ҳуқуқ тизимида юридик шахслар алоҳида ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этилиши билан бирга, улар фаолиятининг мақсадидан келиб чиқиб, тижоратчи ва нотижоратчи ташкилотларга ажралади. Франция ва Германияда тижорат ташкилотлари **жамиятлар** деб юритилади. Қонунчилик жамиятларни шахслар бирлашмаси (тўлиқ ширкат, коммандит ширкат) ва капитал бирлашмаси (масъулияти чекланган ва акциядорлик жамиятлари) сифатида икки гуруҳга ажратади. Франция ва Германияда ҳам кооперативлар фаолият олиб боради. 1985 йилда Франция қонунлари бир муассис томонидан юридик шахс ташкил этиш имкониятини мустаҳкамлади ва бу Германия савдо уложениясида ҳам ўз ифодасини топган. Бунда ташкилот масъулияти чекланган жамият ёки акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши мумкин. Акциядорлик жамиятлари Франция ва Германияда **корпорациялар** ҳисобланади ҳамда улар очик ва ёпиқ шаклларда ташкил қилинади.

Сўнгги йилларда Европа қонунчилиги акциядорлик жамияти сифатида янги корпорация шаклини ўзида белгилаб қўйди.¹⁶ Унга мувофиқ бизнес билан шуғулланиш истагини билдирган шахс якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, фаолият олиб бориши мумкин. Бундан ташқари, Франция ва Германия ҳуқуқ нормалари фуқаролар тўлиқ ширкати ва тўлиқ савдо ширкатларини бир-биридан фарқлайди. Иккаласи ҳам, ўз навбатида, юридик шахс ҳисобланса-да, тўлиқ фуқаролар ширкати фаолияти Франция Фуқаролик кодекси ва Германия Фуқаролик уложенияси билан тартибга солинади. Савдо тўлиқ ширкатлари фаолияти савдо ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Фуқаролар савдо ширкатлари нотижорат мақсадларни кўзлаб ташкил қилинади. Францияда нотижорат ташкилотларга ассоциация ва иттифоқлар киради.

¹⁶Гражданское право. Учебник. В 3 т. Т.1. –М.: РГ-Пресс. 2011. –С. 103.

Бундан ташқари Франция ва Германияда **муассасалар** ҳам фаолият олиб боради.

Барча юридик шахслар мурожаат қилиш тартибида, уларнинг таъсис ҳужжатлари давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб фаолият олиб борадилар.

Агар тарихий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Қадимги Римда юридик шахслар вужудга келишининг ўзига хос тартиби ишлаб чиқилган. Жумладан, хусусий ҳуқуқ соҳасида фаолият олиб бораётган ҳамда ўзларига ҳуқуқий жиҳатдан **«шахс»** мақоми берилган бир қанча инсонлар жамиятлари мавжуд бўлган. Бинобарин, «XII жадвал қонуни»да иккита жамият типи ҳақида гапирилади. Ушбу жамият типларига *collegium*(савдогарлар ташкилотлари) ва *sodalitas* (диний ташкилот) номлари берилган.¹⁷ Бундан кўриниб турибдики, бу жамиятлар инсонларнинг манфаатлари муштараклигини бирлаштириш мақсадларида ташкил қилинган.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида юридик шахс институти прецедент ҳуқуқи доирасида шакллантирилган. Юридик шахслар таърифи умумий ҳуқуқда¹⁸ ёритиб берилмаган. Умумий ҳуқуқ юридик шахслар сифатида корпорацияларни бир неча шахслар томонидан ташкил қилинган компаниялар сифатида таърифлаб, 2006 йилда Буюк Британияда «Компаниялар тўғрисида» янги қонуни қабул қилди ва у 2007 йилнинг январидан бошлаб кучга кирди. У 400 варақдан иборат бўлиб, Англия тарихида энг узун қоидалар сифатида эътироф этилади. Ушбу қонунда юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш таомиллари соддалаштирилди. Тарихдан маълумки, юридик шахс сифатида компаниялар тўғрисидаги қонунлар Англияда 1929 ва 1948 йилларда ҳам қабул қилинган. Қонунга

¹⁷ Қўлдошев М. Рим ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2010. 139-бет.

¹⁸ Англо-саксон ҳуқуқ тизими (англо-америка ҳуқуқ тизими) – ҳуқуқ тизимининг бир тури. Бу ҳуқуқ тизими Англияда, АҚШ, Австралия, Ирландия, Канада ва бошқа илгари Англия мустамлакаси бўлган давлатларда амал қилади. Бу ҳуқуқ тизимининг характерли жиҳати шундаки, унинг манбалари парламент актлари ва умумий ҳуқуқ ҳисобланади. Бунда оммавий ва хусусий ҳуқуқ бўлинишлари кузатилмайди. Ҳуқуқнинг манбалари сифатида суд прецедентлари ва ҳуқуқий доктрина ўрин тутаяди. Қиёсий ҳуқуқшуносликда англо-америка ҳуқуқи тизимининг синоними сифатида «умумий ҳуқуқ тизими» деб ҳам юритилади.

биноан, тузилган ҳамма компанияларнинг махсус рўйхатдан ўтиши расмийлаштирилди.¹⁹

Англияда корпорация тижоратчи юридик шахсларнинг асосий шакли сифатида эътироф этилади. Шунингдек, ишончга асосланган (коммандит) ширкатлар ҳам фаолият кўрсатадилар. Бироқ уларнинг сони 20 кишидан ошмаслиги керак.

АҚШда юридик шахсларни тартибга солувчи нормалар уларни ширкатлар ва корпорацияларга ажратади. АҚШда ширкатлар оддий ва коммандит ширкатларга ажралиши билан бирга масъулияти чекланган ширкатлар доираси анча кенг тарқалган.

Корпорациялар уларни ташкил этиш мақсадидан келиб чиқиб, оммавий ва хусусий корпорацияларга ажралади. Булар билан бирга компаниялар ҳам фаолият юритадилар.

¹⁹Муқимов З. Чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. –Т.: Академ нашр, 2012 йил, 360-бет.